

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХАМАДАЛИЕВА МАЛИКА АЛИЕВНА

**ЭЛЕКТР ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБНИНГ ГИДРОФРИКЦИОН
ТОРСИОН РЕССОРАСИ ДИНАМИК МУСТАҲКАМЛИГИНИ
ҲИСОБЛАШ МЕТОДИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.08.05 – Темир йўлларнинг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни тортиш ва
электрлаштириш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

УЎК: 621.536; 628.01; 629.464.083

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Махамадалиева Малика Алиевна

Электр ҳаракатланувчи таркибнинг гидрофрикцион торсион рессораси
динамик мустаҳкамлигини ҳисоблаш методини ишлаб чиқиш..... 3

Махамадалиева Малика Алиевна

Разработка метода расчета на динамическую прочность
гидрофрикционной торсионной рессоры электроподвижного
состава..... 21

Makhamadalieva Malika Alievna

Development of a method for calculating the dynamic strength of a
hydro-friction torsion spring of an electric rolling stock..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХАМАДАЛИЕВА МАЛИКА АЛИЕВНА

ЭЛЕКТР ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБНИНГ ГИДРОФРИКЦИОН
ТОРСИОН РЕССОРАСИ ДИНАМИК МУСТАҲКАМЛИГИНИ
ҲИСОБЛАШ МЕТОДИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.08.05 – Темир йўлларнинг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни тортиш ва
электрлаштириш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/T3375 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хромова Галина Алексеевна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидов Отабек Рустамович
техника фанлари доктори, профессор

Турсунов Хуршид Махмуджанович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.15/31.08.2022.T.73.07 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил 14 октябр соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (110 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66)

Диссертация автореферати 2023 йил 29 сентябр куни тарқатилди.
(2023 йил “___” _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.В. Рахимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

Р.М. Мирсаатов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда иқтисодий тараққиётни кўллаб-қувватлаш мақсадида йўловчи ва юк ташиш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда, бу эса, ўз навбатида, транспорт воситалари, шу жумладан, локомотивлар ва тезюрар поездлар паркини кўпайишига олиб келмоқда. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда ҳаракатланувчи таркибнинг ишончилигини ошириш, техник-иқтисодий хусусиятларини яхшилаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларини камайтириш мақсадида замонавий конструкцияларни моделлаштириш ва лойиҳалашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ҳаракатланувчи таркибнинг раван юришини ошириш, йўл ва ташилаётган юкларга динамик таъсирларнинг пасайтириш имконини берадиган османинг мустаҳкамлиги ва қайишқоқ-диссипатив хоссаларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда темир йўлларнинг ҳаракатланиш тезлиги ва ўтказувчанлик қобилиятини ошириш учун тебранишларни гидравлик ва гидрофрикцион сўндиргичлари ҳамда рессор осмаси параметрларини тўғри танлашга ва улар ишининг барқарорлигига боғлиқ бўлган электр ҳаракатланувчи таркибнинг динамик сифатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда электр ҳаракатланувчи таркибнинг динамик сифатларини, ғилдирак ва рельс ўртасидаги кучларнинг ўзаро таъсирини яхшилаш, ғилдиракнинг рельсдаги барқарорлигини, юқори тезликдаги электр транспортининг раван юришини ва унда ташиладиган товарларнинг хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, йўловчилар учун қулайликни ошириш билан бирга, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда, электр ҳаракатланувчи таркибнинг янги конструкцияларини ва динамик мустаҳкамликка ҳисоблашни баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Республикамизда иқтисодиётнинг турли соҳаларига энергия ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, шу жумладан, темир йўл транспортини технологик модернизация қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борада муайян натижаларга эришилмоқда. Транспорт-коммуникация инфратузилмасининг ривожланиши ва модернизацияси 2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «...саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш»¹ устувор йўналиш сифатида қайд этилган. Ушбу вазифаларни бажаришда темир йўл ҳаракатланувчи таркиби гидравлик ва гидрофрикцион демпферларининг истиқболли конструкцияларини ҳамда уларнинг чидамлилигини ҳисоблашга

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

мўлжалланган янги динамик моделларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 9 августдаги “Транспорт тўғрисида”ги ЎРҚ-706-сонли ва 1999 йил 15 апрелдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги 766-I-сонли Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли ва 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5647-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишининг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сонли ва 2017 йил 23 августдаги «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги ПҚ-3238-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг ПФИ-2 «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» ҳамда II.«Энергетика, энергия ва ресурслар тежамкорлиги» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертация мавзуси бўйича дунёнинг илғор олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан С.А. Brebbia (Wessex Institute of Technology, UK), G.M. Carlomagno (University of Naples di Napoli, Italy), A. Varvani-Farahani (Ryerson University, Canada), S.K. Chakrabarti (USA), S.Hernandez (University of La Coruna, Spain), S.H. Nishida (Saga University, Japan), МДХ мамлакатларида эса нуфузли илмий мактаблар ҳамда МТМИ (МИИТ), СПДТЙУ (ПГУПС), МАИ, БРТЙТИТИ (ВНИИЖТ), «ВНИКТИ» ОАЖ, «РЖД» ОАЖ олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

И.И. Челнокова, М.М. Соколова, А.Н. Савоськина, Ю.П. Бороненко, В.И. Варавы, Б.И. Вишнякова, В.М. Гарбузова, Г.М. Левита, Н.А. Шашкова, В.Н. Романова, А.Н. Мальцева, Б.С. Завта, А.А. Дербаремдикера, И.Б. Скиндера, А. Anyakwo, M. Bogdevicius, R. Zygiene, G. Bureika, R Subaciųs, Chao Wang, K. Popp, W. Schiehlen, Rakesh Chandmal Sharma., I. Sebesan, M. Spiriyagin, А.А. Битюцкога, В.В. Болотина, Ю.П. Бороненко, В.М. Бубнова, П.С. Григорьева, В.Н. Жданова, М.Б. Кельрих, А.Д. Кочнова, А.В. Третьякова ва бошқаларнинг илмий ишлари гидравлик тебранишлар сўндиргичларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистонда ҳаракатланувчи таркиб рессора осмаси тизимини оптималлаштириш муаммолари ЎЗР ФА академиги, профессор,

т.ф.д. А.Д. Глушенко, профессорлар Ш.С. Файзибаев, Г.А. Хромова, А.А. Шермухамедов, Я.О. Рузметов, З.Г. Мухамедова, доцентлар Х.М. Турсунов, С.А. Хромов ва уларнинг шогирдлари томонидан ўрганилган.

Юқори тезликдаги электр ҳаракат таркиби учун гидравлик демпферларни ҳисоблаш бўйича тадқиқотлар таҳлили кўрсатдики, ҳозирги кунга қадар мавжуд ҳисоблаш усулларида ишчи муҳит (ишчи суюқлик, фрикцион кўшимчалар) ишлаб туришида ошган тезлик режими таъсири, электр ҳаракат таркибидаги демпферлаш тизимларида фойдаланиш жараёнида юзага келувчи иссиқ контактли жараёнлар, ташқи динамик юкланишлар қонуниятлари мураккаблиги ва конфигурация ҳажмийлиги эътиборга олинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент Давлат транспорт университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига киритилган Ф2-001-сонли “Тезюрар ва юқори тезликдаги электр ҳаракат таркиби учун демпферларни динамик мустаҳкамликка ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал грант (2016 й.), 22-сонли “Ўзтемирўлмаштаъмир” УҚда ВЛ80 электровозларини капитал тиклаш-таъмирлаш технологик жараёнини ишлаб чиқиш” (2022 й.) мавзусидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электр ҳаракатланувчи таркиб гидрофрикцион торсион рессорасини динамик мустаҳкамликка ҳисоблаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидравлик тебраниш сўндиргичларининг конструкциясини такомиллаштириш орқали улардан фойдаланиш ишончилигини ошириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;

“Ўзбекистон” локомотив депосида гидравлик тебранишлар сўндиргичлари ишини эътиборга олган ҳолда ўтказилган ВЛ80с электровози аравачаси рамаси тебранишларини табиий шароитларда ўлчаш натижаларини эҳтимолий-статистик қайта ишлаш методикасини ишлаб чиқиш;

электр ҳаракатланувчи таркибнинг ишчи муҳитидаги юқори тезлик режими таъсири эътиборга олган ҳолда қобиқли турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичларининг тебранишларини математик моделлаштириш;

юқори тезлик режими таъсири ҳамда қайишқоқ-диссипатив хоссаларни яхшилашни эътиборга олган ҳолда торсион турдаги модернизацияланган гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларининг тебранишларини математик моделлаштириш;

транспорт машинасозлиги учун гидравлик ва фрикцион демпферлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда қобиқли ва торсион турдаги модернизацияланган гидрофрикцион тебраниш сўндиргичларининг динамик мустаҳкамлигини миқдорий (сонли) ҳисоблаш учун алгоритмлар ва дастурларни ишлаб чиқиш;

«Ўзтемирйўлмаштаъмир» УҚда капитал тикловчи таъмирни ўтказишда ВЛ80с электровозларининг гидравлик тебраниш сўндиргичларини модернизациялаш жараёнида ишлаб чиқилган динамик моделлар, сонли алгоритмлар ва дастурларни амалий синовдан ўтказиш ва жорий қилиш;

“Юқори тезликда ҳаракатланиш шароитида электр ҳаракатланувчи таркиб гидравлик тебранишлар сўндиргичлари деталларининг энг мақбул ўлчамларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган методикаси”ни ишлаб чиқиш;

ишончлилиқ ва демпферлаш қобилиятини ошириш орқали электр ҳаракатланувчи таркиб учун торсион турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти комбинацияланган турдаги замоналаштирилган гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичлари, шунингдек қайишқоқ-диссипатив хоссаларга эга османинг автоматлаштирилган назорат тизимлари саналади.

Тадқиқотнинг предмети - қобикли ва торсион турдаги гидравлик ва гидрофрикцион демпферларни ишлаб туришида ошган тезлик режими таъсирини ҳисобга олган ҳолда тебранишларини математик моделлаштириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ва матрицали таҳлил, математик ва симуляция моделлаштириш, математик статистика, назарий усулларидан фойдаланилган, шунингдек, рақамли усуллар: Фурье усули, кусочно-чизикли аппроксимация усули, итерация усули ва чегаравий элементлар технологияси усули.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

динамик тавсифларга эга гидрофрикцион сўндиргич параметрларини ҳисоблашга имкон берувчи, гидравлик демпферлаш таъсирини эътиборга олган ҳолда юқори тезликдаги электропоездлар рессора осмасининг энг мақбул параметрларини асослаш бўйича математик модель ишлаб чиқилган;

транспорт машинасозлиги учун қобикли турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичларини ишчи муҳит ишлаб туришида ошган тезлик режими таъсирини ҳисобга олган ҳолда динамик мустаҳкамликка ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

сўндиргичларнинг динамик ишлаши таҳлилинини ўтказишга имкон берувчи торсион турдаги гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларини динамик мустаҳкамликка ҳисоблашнинг аналитик-сонли услуби ишлаб чиқилган;

модернизацияланган торсион туридаги гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларини ҳаракат таркибининг юқори тезликли ҳаракатланишида паст ва юқори частотали зарб юкламаларини ишончли сўндирилишини ҳисобга олган ҳолда динамик мустаҳкамликка ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

электр ҳаракат таркиби гидравлик тебраниш сўндиргичлари қисмларининг электровозлар динамик тавсифларини яхшилаш, шунингдек, уларнинг ишончлилигини ошириш имконини берувчи оқилона ўлчамларини ҳисоблаш услуби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

электр ҳаракат таркибининг гидравлик тебраниш сўндиргичлари динамик параметрларини ҳисоблашнинг таклиф этилган усуллари янги конструкцияларни лойиҳалашда, шунингдек, уларни модернизация қилиш билан мавжудларини режали капитал ва капитал-тикловчи таъмирлашда кенг қўллаш буйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ВЛ80 электровозларидан фойдаланиш хавфсизлигини ошириш мақсадида “Юқори тезликда ҳаракатланиш шароитида электр ҳаракатланувчи таркиб гидравлик тебранишлар сўндиргичлари деталларининг энг мақбул ўлчамларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган методикаси” ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги материаллар қаршилиги, машиналар динамикаси ва мустаҳкамлигининг барчага маълум стандарт методларидан фойдаланиш, шунингдек сонли методлар, хусусан Фурье методи, бўлак-чизикли аппроксимация методи, итерация методи ва Гаусс методини қўллаш ҳамда назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги асосида олинган математик моделлаштириш замонавий назариясининг синалган методларидан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори тезлик режими таъсири ҳамда қайишқоқ-диссипатив хоссаларни яхшилашни эътиборга олган ҳолда қобикли ва торсион турдаги гидравлик ва гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичлари динамик моделларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти “Юқори тезликда ҳаракатланиш шароитида электр ҳаракатланувчи таркиб гидравлик тебранишлар сўндиргичлари деталларининг энг мақбул ўлчамларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган методикаси” ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Электр ҳаракатланувчи таркибни капитал-тикловчи таъмир жараёнида унинг динамик тавсифларини яхшилаш, мустаҳкамлиги ва ишончлилигини ошириш ҳамда ундан фойдаланиш муддатини узайтириш мақсадида гидравлик ва гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларини модернизациялашда тадқиқот давомида ишлаб чиқилган динамик моделлар ва алгоритмлар кенг қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электр ҳаракатланувчи таркибнинг гидрофрикцион торсион рессорасини динамик мустаҳкамликка ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ВЛ80 электровози учун ишлаб чиқилган “Юқори тезликда ҳаракатланиш шароитида электр ҳаракатланувчи таркиб гидравлик тебранишлар сўндиргичлари деталларининг энг мақбул ўлчамларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган методикаси” “ЎТЙ” АЖ “ЎЗТЕМИРЙЎЛМАШТАЪМИР” Унитар корхонасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2023 йил 29 майдаги

2/3490 маълумотномаси). Натижада капитал-тикловчи таъмир жараёнида локомотивларни модернизациялашда қўллаш уларнинг динамик тавсифларини яхшилаш, сўндиргичларнинг мустаҳкамлиги, ишончилиги ва хизмат муддатини ошириш, шунингдек ВЛ80 серияли электровозлар аравачаларининг аварияли бузилишлари эҳтимолини камайтириш ҳамда фойдали эксплуатация муддатини 8-10 йилга узайтириш имкони яратилган;

электр ҳаракатланувчи таркибнинг ишончилиги ва демпферлаш қобилиятини ошириш орқали торсион турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичининг янги конструкцияси ишлаб чиқилган, техник ечимининг янгилиги Ўзбекистон Республикасининг ихтиролар учун бериладиган ИАП 07118-сонли Патенти билан ҳимояланган ва “ЎТЙ” АЖ Локомотивлардан фойдаланиш бошқармасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлигининг 2023 йил 29 майдаги №2/3490 маълумотномаси). Натижада ишлаш ресурси 2-3 баробар ошиши, фойдаланишда ишчи параметрларининг стабиллиги, сўндиргичнинг ишончилиги ва демпферлаш хоссасининг ортишига эришилган;

олиб борилган илмий тадқиқот натижасида локомотивларнинг динамик тавсифларини яхшилаш, уларнинг мустаҳкамлиги, ишончилиги ва хизмат муддатини ошириш мақсадида гидравлик сўндиргичларни модернизациялашнинг янги усули ишлаб чиқилган ва “ЎТЙ” АЖ Локомотивлардан фойдаланиш бошқармасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлигининг 2023 йил 29 майдаги №2/3490 маълумотномаси). Натижада, тақлиф этилган модернизациялаш усули жорий этилишидан ВЛ80 серияли электровозларининг 9 та секцияси учун 2022-2023 йиллар ичида 252 млн. сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 10 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида, шу жумладан 4 таси SCOPUS базаси рўйхатига киритилган, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 11 та, жумладан 2 таси Республика ва 7 таси (4 таси SCOPUS базасидаги) хорижий журналларда нашр этилган, ҳамда ихтирога Ўзбекистон Республикасининг 1 та Патенти ва ЭХМ дастурларига 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Гидравлик ва гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларининг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини ошириш муаммосининг бугунги кундаги ҳолати” номли биринчи бобда гидравлик тебранишлар сўндиргичларининг конструкциясини такомиллаштириш орқали уларнинг эксплуатацион ишончлилигини ошириш соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг қисқача шарҳи ва таҳлили, гидравлик тебранишлар сўндиргичлари ишини ҳисобга олган ҳолда ВЛ80 электровози аравачаси рамасининг тебранишларини табиий шароитда ўлчаш маълумотларини эҳтимолий-статистик қайта ишлаш натижалари тақдим этилган, электровозлар ва электропоездларнинг гидравлик ва гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларининг истиқболли конструкциялари бўйича патентли адабиётлар шарҳи келтирилган, электровозлар гидравлик тебранишлар сўндиргичлари конструкциясининг таҳлили бажарилган, асосий носозликлар ва уларнинг ҳаракат хавфсизлигига таъсири кўрсатилган.

Фазовий конструкцияларнинг қайишқоқ демпферловчи элементлари (демпферлар, амортизаторлар, тебраниш сўндиргичлари) транспорт машиналари ҳамда саноат ва шаҳар электр транспортида кенг тарқалган. Шунга боғлиқ ҳолда мазкур тадқиқот дунёвий янгилик даражасига эга.

Бироқ гидравлик ва гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларини ҳисоблашнинг мавжуд методикаларида ишчи муҳит (ишчи суюқлик) таъсири, аниқроғи эксплуатация жараёнида вужудга келадиган суюқликдаги пульсациялар, электр ҳаракатланувчи таркибда турли демпферлаш тизимлари, ташқи динамик юкланиш қонуниятининг мураккаблиги ва ҳажмий конфигурация таъсири ҳисобга олинмаган.

Илмий-техник ва патентли адабиётлар шарҳини ўтказиш натижасида электровозларнинг 30% дан ортиқ ишдан чиқишларини гидравлик тебранишлар сўндиргичларининг ишдан чиқишлари ташкил этиши аниқланди. Асосий носозликларга эксплуатация жараёнида ишчи суюқликнинг ифлосланиши натижасида дрессель туйнугининг кирланиши; резинанинг эскириши натижасида гидравлик тебранишлар сўндиргичлари иши самарадорлигининг пасайишига олиб келадиган зичловчи ҳалқаларнинг ишдан чиқиши; ишчи суюқликнинг сўндиргичдан сизиб оқиб кетиши; клапан

тизимдаги носозликлар; алоҳида ташқи қисмлар ва улар туташмаларининг носозликлари; сўндиргичларни аравачаларга маҳкамлаш узелларидаги носозликлар ва емирилишлар киради.


Хорижий олимлар гидравлик тебранишлар сўндиргичларининг бузилишлари тўғрисидаги фундаментал маълумотлар базасини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратишмоқда, боиси уларнинг тури ва ҳажми ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд эмас. Бузилиш турлари ва уларнинг тавсифлари бўйича маълумотлар базаси яратилиб, ундан электр ҳаракатланувчи таркиб гидравлик тебранишлар сўндиргичларининг тавсифларини моделлаштиришда фойдаланилади. Моделлаштириш жараёни ҳақиқий (амалдаги) сўндиргичларнинг тавсифлари асосида ўтказилиб, улар катокли стендларда (“Ўзбекистон” депосида мавжуд) ва синов сафарларида синалади. Амалга оширилган синов сафарлари тебранишлар сўндиргичларидаги ҳақиқий кучланишлар тўғрисидаги маълумотларни олиш ва улар асосида сўндиргичларни ишлаб чиқаришда ва таъмирдан сўнгги ҳолатини назорат қилиш учун зарур бўлган параметрларни аниқлаш имконини беради.

Табиий шароитларда олинган экспериментал маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ВЛ-80с электровози аравачасининг рамасидаги деталлар тебраниши (гидравлик тебранишлар сўндиргичлари ўрнатилган жойлари) даставвал бошқа изланишларда олиб борилган назарий тадқиқотлар ва амалий ўлчашларга мос келади. Маълумки, электровоз (электрпоезд) ҳаракат тезлигининг ортиши билан гидравлик тебранишлар сўндиргичи поршености бўшлиғида ишчи суяқликдаги босим пульсациялари амплитудаси ҳам анча ортади. ВЛ-80с электровози рамасининг вертикал тебранишлари частотаси (гидравлик тебранишлар сўндиргичлари ўрнатилган жойларида) ўртача 7 дан 12 Гц гача бўлган ораликда, аравача рамасининг горизонтал тебранишлари частотаси эса гармоникаларни ҳисобга олмаганда, 3 дан 5 Гц гача асосий частотада ётади. Олиб борилган тадқиқотлар гидравлик тебранишлар сўндиргичлари компонентларидаги ҳақиқий кучланишлар стационар синов стендларида олинган қийматлардан фарқ қилишини кўрсатади. Демак, катокли стендлардаги синовлар бўйича йўриқномага тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

“Юқори тезликдаги электропоездлар рессора осмасининг энг мақбул параметрларини асослаш бўйича математик моделни ишлаб чиқиш” номли иккинчи бобда АФРОСИЁБ юқори тезликдаги электропоезд мисолида юқори тезликдаги электропоездлар рессора осмасининг энг мақбул параметрларини асослаш бўйича ишлаб чиқилган математик модел, ҳисоблаш алгоритми ва дастури келтирилган, сонли тадқиқотлар MathCAD 14 дастурлаш муҳитида бажарилган.

АФРОСИЁБ юқори тезликдаги электропоезд вағони моделининг вертикал тебранишлари фазовий кинематик схемаси 1-расмда келтирилган бўлиб, унда вагон кузови рессора осмасининг марказий поғонаси орқали иккита икки ўқли аравачага, аравачаларнинг ҳар бири эса букса поғонаси

орқали иккита ғилдирак жуфтлигига таянади, бунда рессора осмасининг марказий поғонасида пружиналар ва уларга параллел ўрнатилган гидравлик сўндиргичлардан фойдаланилган.



1-расм. АФРОСИЁБ юкори тезликдаги электропоезд вағони моделининг вертикал тебранишлари фазвий кинематик схемаси:

$m_k, m_{п}$ —кузов массаси ва ғилдиракка келтирилган йўл массаси; m_T — араваçанинг рессорланган массаси; $m_{кп}$ — ғилдирак жуфтлиги массаси; $J_{yк}, J_{xк}$ — у ва x ўқларига нисбатан кузов инерцияси моментлари; J_{yT}, J_{xT} — у ва x ўқларига нисбатан араваçа рамасининг инерцияси моментлари; $J_{xкп}$ — x ўқига нисбатан ғилдирак жуфтлиги инерцияси моменти; β_1 — рессора осмасининг букса поғонасидаги сўниш коэффициенти; β_2 — рессора осмасининг букса поғонаси қаттиқлиги; $\beta_{п}$ — темир йўл изининг сўниш коэффициенти; $\beta_{п}$ — йўлнинг қаттиқлиги; $2a_2$ ва $2a_1$ —кузов базаси ва араваçа базаси; $2b_2$ ва $2b_1$ — электропоезд вағони рессора осмасининг марказий ва букса поғоналаридаги қайишқоқ ва диссипатив элементлари ўртасида йўлнинг кўндаланг ўқи масофаси; $2s$ — битта ғилдирак жуфтлиги ғилдиракларининг рельслар билан контакт қилиш нуқталари ўртасидаги масофа

АФРОСИЁБ электропоезд вағони моделининг мажбурий вертикал тебранишларини изоҳловчи дифференциал тенгламаларнинг ўзаро боғланган тизими беш массали тизим кўринишида қуйидагича ифодаланади:

$$\begin{aligned}
 & m_k \ddot{z}_k + 4\beta_2 \dot{z}_k + 4\beta_2 z_k - 2\beta_2 (\dot{z}_{T1} + \dot{z}_{T2}) - 2\beta_2 (z_{T1} + z_{T2}) = 0; \\
 & J_{yк} \ddot{\phi}_{yк} + 4\beta_2 a_2^2 \dot{\phi}_{yк} + 4\beta_2 a_2^2 \phi_{yк} + 2\beta_2 a_2 (\dot{z}_{T1} - \dot{z}_{T2}) + 2\beta_2 a_2 (z_{T1} - z_{T2}) = 0; \\
 & m_{T1} \ddot{z}_{T1} + (4\beta_1 + 2\beta_2) \dot{z}_{T1} + (4\beta_1 + 2\beta_2) z_{T1} - 2\beta_2 \dot{z}_k - 2\beta_2 z_k + 2\beta_2 a_2 \phi_{yк} + \\
 & \quad + 2\beta_2 a_2 \phi_{yк} \pm 2\beta_1 (\dot{z}_{кп1} + \dot{z}_{кп2}) - 2\beta_1 (z_{кп1} + z_{кп2}) = 0; \\
 & m_{T2} \ddot{z}_{T2} + (4\beta_1 + 2\beta_2) \dot{z}_{T2} + (4\beta_1 + 2\beta_2) z_{T2} - 2\beta_2 \dot{z}_k - 2\beta_2 z_k - 2\beta_2 a_2 \phi_{yк} - \\
 & \quad - 2\beta_2 a_2 \phi_{yк} \pm 2\beta_1 (\dot{z}_{кп1} + \dot{z}_{кп2}) - 2\beta_1 (z_{кп1} + z_{кп2}) = 0; \\
 & (m_{кп1} + 2m_{п}) \ddot{z}_{кп1} + (2\beta_1 + 2\beta_{п}) \dot{z}_{кп1} + (2\beta_1 + 2\beta_{п}) z_{кп1} = P_{p1};
 \end{aligned}$$


$$(m_{\text{кп2}} + 2m_{\text{п}})\ddot{z}_{\text{кп2}} + (2\beta_1 + 2\beta_{\text{п}})\dot{z}_{\text{кп2}} + (2\alpha_1 + 2\alpha_{\text{п}})z_{\text{кп2}} = P_{p2} , \quad (1)$$

$$\text{бу ерда } P_p(t) = P_{p1}(t) = P_{p2}(t) = m_{\text{п}}\ddot{\eta}_{\text{н}}(t) + \beta_{\text{п}}\dot{\eta}_{\text{н}}(t) + \alpha_{\text{п}}\eta_{\text{н}}(t) , \quad (2)$$

бу ерда $P_p(t)$ –динамик юкланиш бўлиб, электропоезд рельс изининг нотесликлари бўйлаб ҳаракатланганида вужудга келади, бунда

$$\eta_{\text{н}}(t) = \eta_0 \cdot \sin \omega t , \quad (3)$$

бу ерда η_0 –темир йўл рельс изининг нотекислиги баландлиги; ω -нокесликнинг вақт бўйича ўзгариши частотаси.



2-расм. Электропоезд вагон кузовининг сакрашидаги тебранишлари $z_k(t)$ ва гилдирак жуфтликларининг силкинишдаги тебранишлари $z_T(t)$ графиги

Дифференциал тенгламалар тизими (1) MathCAD 14 дастурлаш муҳитидан фойдаланган ҳолда Гаусс матрица методи ёрдамида ечилди. Натижада “вагон кузови – аравача – рельс изи” тизимининг амплитуда-частотали тавсифи АФРОСИЁБ юқори тезликдаги электропоезд мисолида рессора осмасини ҳисобга олган тадқиқ этилди. Электропоезд вағони кузовининг сакраш z_k ва галолашдаги φ_{yk} тебранишлари, шунингдек гилдирак жуфтликларининг сакрашдаги


тебранишлари z_T графиглари курилди (2-расм). Бунда галолаш тебранишлари φ_{yk} жуда кичик бўлиб, деярли 0 га тенг.

Натижада Гаусс методига ўхшаш методдан фойдаланган ҳолда аналитик-сонли моделни ишлаб чиқдик, ушбу модель АФРОСИЁБ юқори тезликдаги электропоезд вағони моделининг вертикал тебранишлари амплитуда-частотали спектри таҳлилини ўтказиш ҳамда тизимдаги гидравлик демпферлаш таъсирини аниқлаш имконини беради.

“Ишчи муҳитда юқори тезлик режими таъсирини ҳисобга олган ҳолда қобикли турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичларининг динамик мустаҳкамлигини ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш” номли учинчи бобда янада яхшиланган демпферлаш хусусиятларига эга янги конструкциядаги гидрофрикцион сўндиргичнинг энг мақбул параметрларини асослаш масалалари ёритилган. Ушбу сўндиргичга оид техник ечим янгилиги Ўзбекистон Республикасининг ихтиролар учун бериладиган IAP 04146 ва IAP 05463-сонли Патентлари билан ҳимояланган.

Четки қобик кўринишидаги ва четлари қайишқоқ қилиб маҳкамланган гидравлик тебранишлар сўндиргичи ишчи цилиндрининг тебранишларини ифодалаш учун қайишқоқ қобик тенгламаларига муружаат этамиз, бунда унинг материалида тўлқинларнинг тарқалиши ҳисобга олинади. Бу ерда Кирхгоф-Лявнинг линеаризацияланган қобиклар назарияси вариантини қабул

қилиб, қобикнинг эгилган жойларини U_1, U_2, W_1, W_2 унинг қалинлигига нисбатан кичикроқ деб ҳисоблаймиз. Четки қобик кўринишидаги ва четлари қайишқоқ қилиб маҳкамланган гидравлик тебранишлар сўндиргичи ички ва ташқи цилиндрларининг ишчи сууюқликдаги пульсацияловчи босим таъсири остидаги тебранишларини тадқиқ этишга мўлжалланган ҳисоблаш схемаси 3-расмда келтирилган.



3-расм. Четки қобик кўринишидаги ва четлари қайишқоқ қилиб маҳкамланган гидравлик тебранишлар сўндиргичи ички ва ташқи цилиндрларининг ишчи сууюқликдаги пульсацияловчи босим таъсири остидаги тебранишларини тадқиқ этишга мўлжалланган ҳисоблаш схемаси:

1-ишчи цилиндр; 2-ташқи цилиндр; 3-поршень; 4-дрессель туйнуқлари; 5-сўндиргични маҳкамлаш тўсини; 6-сильфон; 7-шток

Профессорлар А.С.Вольмир ва Н.А.Кильчевский томонидан олиб борилган ишларни эътиборга олиб, гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичи тенгламаларини иккита қайишқоқ юпқа деворли цилиндрсимон қобикларнинг бўйлама-радиал тебранишлари тенгламалари кўринишида ёзиш мумкин. Бунда ушбу цилиндрсимон қобиклар ўртасида силжишларда ташқи динамик таъсирлар $P_{дин}$ остидаги ҳам узунлик $P_{сууюқ}$, ҳам вақт бўйича пульсацияловчи босимга эга ишчи сууюқлик мавжуд (тебранишларни ўққа нисбатан симметрик деб қадул қиламиз):

- биринчи қобик учун (гидравлик тебранишлар сўндиргичининг 1-ишчи цилиндри) бўйлама-радиал тебранишлар тенгламалари қуйидаги кўринишга эга

$$\frac{E_2 h_2}{1 - \mu_2^2} \left(\frac{\partial^2 U_2}{\partial x^2} + \frac{\mu_2 \partial W_2}{R_2 \partial x} \right) - \beta_2 \frac{\partial U_2}{\partial t} = \rho_2 h_2 \frac{\partial^2 U_2}{\partial t^2} + f_{mp} P(x, t) + f_2 P_{дин}(x, t); \quad (4)$$


$$\bar{m}_2 \frac{\partial^2 W_2}{\partial t^2} + D_2 \frac{\partial^4 W_2}{\partial x^4} + \bar{N}_2 \frac{\partial^2 W_2}{\partial x^2} + \frac{1}{R_2} \frac{E_2 h_2}{1 - \mu_2^2} \left(\mu_2 \frac{\partial U_2}{\partial x} + \frac{W_2}{R_1} \right) = -P_{жид}(x, t); \quad (5)$$

- иккинчи қобик учун (гидравлик тебранишлар сўндиргичининг 1- ташқи цилиндри) бўйлама-радиал тебранишлар тенгламалари қуйидаги кўринишга эга

$$\frac{E_1 h_1}{1 - \mu_1^2} \left(\frac{\partial^2 U_1}{\partial x^2} + \frac{\mu_1 \partial W_1}{R_1 \partial x} \right) - \beta_1 \frac{\partial U_1}{\partial t} = \rho_1 h_1 \frac{\partial^2 U_1}{\partial t^2} + f_1 P_{дин}(x, t); \quad (6)$$

- биринчи қобикнинг кўндаланг силжишлари (радиус бўйлаб) тенграмаси

$$\bar{m}_1 \frac{\partial^2 W_1}{\partial t^2} + D_1 \frac{\partial^4 W_1}{\partial x^4} + \bar{N}_1 \frac{\partial^2 W_1}{\partial x^2} + \frac{1}{R_1} \frac{E_1 h_1}{1 - \mu_1^2} \left(\mu_1 \frac{\partial U_1}{\partial x} + \frac{W_1}{R_1} \right) = P_{жид}(x, t). \quad (7)$$



4-расм. Гидрофрикцион сўндиргич 1-қобиғининг (ишчи цилиндри) вақт $U_1(t)$ бўйлаб динамик силжишлари

(4)÷(7) тенгламаларда E_i , μ_i , ρ_i , h_i – қайишқоқлик модули, Пуассон коэффиценти, материалнинг зичлиги ва қобиқлар қалинлиги каби белгилар киритилган, бу ерда $i = 1,2$; D_1 ва D_2 - биринчи ва иккинчи қобиқларнинг цилиндрик қалинлиги; $V_{ж}$ – қобиқлар ўртасидаги ишчи суюқликнинг оқиш тезлиги, 1-ишчи цилиндрнинг ички қобиғи ва 3-поршень ўртасидаги контакт жойларида эса ишқаланиш кучи


таъсир этиб, қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$P_{тр}(x, t) = f_{тр} \cdot P_{дин} \cdot \quad (8)$$

Ташқи томонда ташқи импульсли динамик юкланиш мавжуд

$$P_{дин}(x, t) = \sum_{n=1}^{N=5} \{P_{ан}(x) \cdot \cos n \omega_a t\}. \quad (9)$$

Сонли (миқдорий) изланишлар МATHCAD 15 дастурлаш мухитида бажарилиб, уларнинг натижалари 4 ва 5-расмларда келтирилган. 4-расмдаги графикда гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичи 1-қобиғининг (ишчи цилиндри) вақт $U_1(t)$ бўйлаб динамик силжишлари, 5-расмда эса $\kappa=1$, $\kappa=5$ гармоникалари учун ташқи гармоник таъсирни ҳисобга олган ҳолда қобиқларнинг вақт бўйлаб жами силжишлари кўрсатилган.




5-расм. $\kappa = 1$, $\kappa = 3$ гармоникалари учун ташқи гармоник таъсирни ҳисобга олган ҳолда қобиқларнинг вақт бўйлаб жами силжишлари

Натижада гидравлик демпферлар қобиқлар тизимининг бўйлама-радиал тебранишлари тенгламаларини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилди; тебранишларни ўрганиш дастури яратилди ва экспериментал маълумотларни ҳисобга олган ҳолда МATHCAD 15 дастурлаш мухитида графиклар қурилди.

Олинган математик модель конструктив, куч, масса параметрлари ва йўлдаги нотекистикларнинг вертикал ва бўйлама-горизонтал текисликларда

вагон кузови тебранишлари жараёнига ҳамда қобикли турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичи деталларининг динамик юкланиши катталигига таъсирини баҳолаш имконини беради.

“Фрикцион ва гидродинамик ишқаланиш, шунингдек юқори тезликда ҳаракатланишда ишчи суюқликда вужудга келадиган пульсациялар таъсирини ҳисобга олган ҳолда торсион турдаги гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичининг динамик мустаҳкамлигини ҳисоблашнинг аналитик-сонли методини ишлаб чиқиш” номли тўртинчи бобда Ўзбекистон Республикасининг ихтиролар учун бериладиган IAP 07118-сонли Патенти асосида юқори тезлик режими ва қайишқоқ-диссипатив хоссаларни яхшилаш таъсирини эътиборга олган ҳолда торсион турдаги модернизацияланган конструкцияга эга гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичини динамик ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган математик модели келтирилган (6-расм).



6-расм. Ўзбекистон Республикасининг ихтиролар учун бериладиган IAP 07118-сонли Патенти бўйича торсион турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичининг бўйлама кесими:

1-қайишқоқ (эгиловчан) таянч; 2-цилиндрик пружина, 3-металл цилиндр, 4-торсион; 5-зичловчи ҳалқа, 6-шаклдор қайишқоқ демпферловчи элементлар; 7- гайкали қопқоқ; 8-рама; 9-фрикцион демпфер; 10-цилиндрик қайишқоқ элемент (резинали); 11-шток; 12-металл шайба, 13-гидрофрикцион демпфер, 14-ўзак (стержень); 15-цилиндрик бўшлиқ; 16-дастак; 17-“Т” симон профилга эга парраклар; 18-зичловчи ҳалқа; 19-пресс-маслёнка

Таклиф этилаётган ихтиронинг асосий вазифалари вибрациялар ва зарбли юкланишларни горизонтал ва вертикал сўндиришни таъминлаш орқали темир йўл транспорт воситаларининг юқори тезликларда ҳаракатланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган сўндиргичнинг ишончлилиги ва демпферлаш қобилиятини ошириш; транспорт воситаси аравачасининг рамасида маҳкамланган валнинг консоль участкасига тушадиган динамик юкланишларни камайтиришга ёрдам берадиган қўшимча ишқаланиш моментини яратиш орқали демпферлаш қобилиятини бошқаришда тизим динамиклиги коэффициентини оширишдан иборат. Таклиф этилаётган торсион турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичининг модернизацияланган конструкцияси учун динамик модель яратилди.

Юқори тезликдаги электропоезд учун торсион турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичи валининг мустаҳкамлигини ҳисоблаш динамик модели иккита текисликда эгилувчи тебранишлар учун мўлжалланган дифференциал тенгламалар тизимига асосланади:

$$m(z) \frac{\partial^2 y_B}{\partial t^2} + E \cdot \left[\frac{\partial^2 I(z)}{\partial z^2} \cdot \frac{\partial^2 y_B}{\partial z^2} + \frac{\partial I(z)}{\partial z} \cdot \frac{\partial^3 y_B}{\partial z^3} + I(z) \cdot \frac{\partial^4 y_B}{\partial z^4} \right] - [m(z) \cdot \omega_B^2 - k_y(z)] \cdot y_B = p_{oy}(1 - \cos(3\omega_B t)), \quad (10)$$

$$m(z) \frac{\partial^2 x_B}{\partial t^2} + E \cdot \left[\frac{\partial^2 I(z)}{\partial z^2} \cdot \frac{\partial^2 x_B}{\partial z^2} + \frac{\partial I(z)}{\partial z} \cdot \frac{\partial^3 x_B}{\partial z^3} + I(z) \cdot \frac{\partial^4 x_B}{\partial z^4} \right] - [m(z) \cdot \omega_B^2 - k_x(z)] \cdot x_B + 2\omega_B \frac{\partial y_B}{\partial t} = P_{Dx}(t), \quad (11)$$

бу ерда $P_{Dx}(t) = p_{ox}(1 - \cos(3\omega_B t))$ - ОХ текислигида учта диск учун ташқи импульсли динамик юкланиш.

Бажарилган ишлар натижасида гидравлик ва фрикцион демпферлашдан фойдаланган ҳолда транспорт машинасозлиги учун торсион турдаги модернизацияланган гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларининг динамик мустаҳкамлигини ҳисоблашнинг янги методи ишлаб чиқилди.

“Юқори тезликда ҳаракатланиш шароитида электр ҳаракатланувчи таркиб гидравлик тебранишлар сўндиргичлари деталларининг энг мақбул ўлчамларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган методикаси” номли бешинчи бобда айнан ВЛ80 электровози учун ишлаб чиқилган янги ҳисоблаш методикаси келтирилган бўлиб, локомотивларни капитал-тикловчи таъмир жараёнида модернизациялашда уларнинг динамик тавсифларини яхшилаш, сўндиргичларнинг мустаҳкамлиги, ишончлилиги ва хизмат муддатини ошириш, шунингдек ВЛ80 серияли электровозлар аравачаларининг аварияли бузилишлари эҳтимолини камайтириш ҳамда уларнинг фойдали эксплуатация муддатини 8-10 йилга узайтириш имконини беради.

ХУЛОСА

Техник фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг “Электр ҳаракатланувчи таркибнинг гидрофрикцион торсион рессораси динамик мустаҳкамлигини ҳисоблаш методини ишлаб чиқиш” мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги асосий илмий ва амалий натижаларга эришилди:

1. Юқори тезликдаги электр ҳаракатланувчи таркибдаги мавжуд тебранишлар сўндиргичлари бўйича илмий-техник ва патентли адабиётлар шарҳини ўтказиш натижасида уларга хос бўлган қуйидаги камчиликлари аниқланди: конструкциянинг мураккаблиги; тайёрлаш ва таъмирлашга сарфланадиган катта харажатлар; ишчи суюқликнинг оқиб кетиши ҳолатида иш қобилятининг йўқолиши; ишчи цилиндр ички бўшлиғининг ташқи муҳит таъсиридан яхши ҳимояланмаганлиги; сўндиргич корпуси ва ишчи суюқлиги ҳароратининг ўзгаришида қаршилик параметрининг ўзгариши.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги конструктив ечимларни қўллаш зарур:

- ишчи суюқликнинг оқиб кетиши натижасида сўндиргич ишчи қобилиятининг йўқолишини бартараф этиш учун сўндиргичнинг битта корпусида гидравлик ва фрикцион тебранишлар сўндиргичини бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундай ечим суюқлик оқиб кетганда ёки унинг хоссалари йўқолганда ҳам, сўндиргич ўз вазифаларини бажаришига имкон беради;

- сўндиргич конструкциясини соддалаштириш ёки ундаги мураккаб клапанли тизимни оддий калибрланган дроссель туйнуклари билан алмаштириш лозим, бошқариш сифатини эса ушбу туйнуклар шакли ва жойлашуви билан яхшилаш мумкин.

2. “Ўзбекистон” локомотив депосида гидравлик тебранишлар сўндиргичлари ишини ҳисобга олган ўтказилган ВЛ-80с электровози аравачаси рамасининг тебранишларини табиий шароитларда ўлчаш натижаларини эҳтимолий-статистик қайта ишлаш методикаси ишлаб чиқилди.

3. Тизимдаги гидравлик демпферлаш таъсирини ҳисобга олган ҳолда юқори тезликдаги электропоездлар рессора осмасининг энг мақбул параметрларини асослашга мўлжалланган математик модель ҳамда АФРОСИЁБ юқори тезликдаги электропоезд вағони модели вертикал тебранишларининг амплитуда-частотали таҳлилини ўтказиш имконини берадиган аналитик-сонли метод ишлаб чиқилди.

4. Юқори тезликдаги режим таъсирини ҳисобга олган ҳолда қобикли турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичларини динамик ҳисоблашга мўлжалланган математик модель ҳамда транспорт машинасозлиги учун ишчи муҳитда уларнинг динамик мустаҳкамлигини ҳисоблаш методи ишлаб чиқилди.

5. Юқори тезликдаги режим таъсири ва қайишқоқ-диссипатив хоссаларни яхшилашни ҳисобга олган ҳолда торсион турдаги модернизацияланган конструкцияга эга гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларини динамик ҳисоблашга мўлжалланган математик модель, шунингдек фрикцион ва гидродинамик ишқаланиш таъсирини ҳамда ишчи суюқликда вужудга келадиган пульсацияларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг динамик мустаҳкамлигини ҳисоблашга мўлжалланган аналитик-сонли метод ишлаб чиқилди.

6. Қобикли ва торсион турдаги гидравлик ва гидрофрикцион тебранишлар сўндиргичларининг зўрикқан-деформацияланган ҳолатини моделлаштиришга мўлжалланган дастурлар ва ҳисоб алгоритмлари ишлаб чиқилди. Сонли изланишлар C# тилида ва MATHCAD 14 (15) дастурлаш муҳитида бажарилди; эксплуатация муддатини узайтириш ва динамик сифатларини яхшилаш мақсадида динамик мустаҳкамлик, ишончлили ва ишнинг прогнозли ресурсини баҳолаш бўйича энг мақбул параметрларни танлаш орқали сонли изланишларнинг натижалари келтирилди; ЭХМ дастури учун DGU 10286-сонли гувоҳнома олинди (24.02.2021 й.).

7. ВЛ80 электровози учун ишлаб чиқилган “Юқори тезликда ҳаракатланиш шароитида электр ҳаракатланувчи таркиб гидравлик тебранишлар сўндиргичлари деталларининг энг мақбул ўлчамларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган методикаси” локомотивларни капитал-тикловчи таъмир жараёнида модернизациялашда уларнинг динамик тавсифларини яхшилаш, сўндиргичларнинг мустаҳкамлиги, ишончилиги ва хизмат муддатини ошириш, шунингдек ВЛ80 серияли электровозлар аравачаларининг аварияли бузилишлари эҳтимолини камайтириш ҳамда уларнинг фойдали эксплуатация муддатини 8-10 йилга узайтириш имконини беради.

8. Электр ҳаракатланувчи таркиб учун ишончилик ва демпферлаш қобилиятини ошириш орқали торсион турдаги гидравлик тебранишлар сўндиргичининг янги конструкцияси ишлаб чиқилиб, унинг техник ечими янгилиги Ўзбекистон Республикасининг ихтиролар учун бериладиган IAP 07118-сонли Патенти билан ҳимояланган.

9. Олиб борилган илмий тадқиқот натижасида локомотивларнинг динамик тавсифларини яхшилаш, уларнинг мустаҳкамлиги, ишончилиги ва хизмат муддатини ошириш мақсадида гидравлик сўндиргичларни модернизациялашнинг янги усули ишлаб чиқилди. Бунда таклиф этилган модернизациялаш усулини 3ВЛ80с электровозининг 9 та секцияси учун жорий қилиш натижасида 2022-2023 йиллар ичида 252 млн. сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.15/31.08.2022.Т.73.07 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МАХАМАДАЛИЕВА МАЛИКА АЛИЕВНА

**РАЗРАБОТКА МЕТОДА РАСЧЕТА НА ДИНАМИЧЕСКУЮ
ПРОЧНОСТЬ ГИДРОФРИКЦИОННОЙ ТОРСИОННОЙ РЕССОРЫ
ЭЛЕКТРОПОДВИЖНОГО СОСТАВА**

05.08.05 – Подвижной состав железных дорог, тяга поездов и электрификация

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2022.4.PhD/T3375.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tstu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Хромова Галина Алексеевна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хамидов Отабек Рустамович
доктор технических наук, профессор

Турсунов Хуршид Махмуджанович
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится 14 октября 2023 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.15/31.08.2022.T.73.07 при Ташкентском государственном транспортном университете. (Адрес: 100167, Ташкент, Темирйулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54, e-mail: rektorat@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер - 110). (Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темирйулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66).

Автореферат диссертации разослан 29 сентября 2023 г.
(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2023 г.)

Р.В. Рахимов

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.т.н., профессор

Р.М. Мирсаатов

Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в целях поддержки экономического развития особое внимание уделяется увеличению пассажирских и грузовых перевозок, что, в свою очередь, влечет за собой увеличение парка транспортных средств, в том числе локомотивов и высокоскоростных поездов. В настоящее время в развитых странах большое внимание уделяется моделированию и проектированию современных конструкций подвижного состава с целью повышения их надежности, улучшения технико-экономических характеристик, уменьшения расходов на техническое обслуживание и ремонт. В связи с этим особое внимание уделяется повышению плавности хода подвижного состава, улучшению прочностных и упруго-диссипативных свойств подвески с учетом уменьшения динамических воздействий на путь и транспортируемые грузы.

В мире для увеличения скоростей движения и пропускной способности железных дорог проводятся научно-исследовательские работы, направленные на улучшение динамических качеств электроподвижного состава, зависящих от правильного выбора и стабильности работы гидравлических и гидрофрикционных гасителей колебаний, а также параметров рессорного подвешивания. В этом направлении особое значение имеет улучшение динамических качеств электроподвижного состава, показателей взаимодействия сил между колесом и рельсом, устойчивостью колеса на рельсе, плавностью хода высокоскоростного электрического транспорта и сохранностью перевозимых в нем грузов. Вместе с тем, одной из актуальных задач является разработка новых и совершенствование существующих конструкций электроподвижного состава, и методов расчета на динамическую прочность, решение которых обеспечит безопасность движения и комфорт.

В республике реализуются масштабные мероприятия по внедрению энергоэффективных и ресурсосберегающих технологий в различные сферы экономики, включая технологическую модернизацию железнодорожного транспорта и достигаются при этом определенные результаты. Модернизация транспортно-коммуникационной инфраструктуры была отмечена как одно из приоритетных направлений в стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы и определены важные задачи, такие как «...снижение потерь в отраслях промышленности и повышение эффективности использования ресурсов»¹. При выполнении этих задач большое значение имеет разработка перспективных конструкций гидравлических и гидрофрикционных демпферов железнодорожного подвижного состава и новых динамических моделей для их расчета на прочность.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решением задач, предусмотренных Законами Республики Узбекистан

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

№ ЗРУ-706 от 9 августа 2021 года «О транспорте» и № 766-I от 15 апреля 1999 года «О железнодорожном транспорте», Указами Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и № УП-5647 от 1 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в сфере транспорта», Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-3422 от 2 декабря 2017 года «О мерах по совершенствованию транспортной инфраструктуры и диверсификации внешнеторговых маршрутов перевозки грузов на 2018-2022 годы», № ПП-3238 «О мерах по дальнейшему внедрению современных энергоэффективных и энергосберегающих технологий» от 23 августа 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, относящимися к данному виду деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики ПФИ-2 «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение» и П. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. По данной тематике осуществлены и ведутся исследования ведущими учёными во всем мире, такими как С.А. Brebbia (Wessex Institute of Technology, UK), G.M. Carlomagno (University of Naples di Napoli, Italy), A. Varvani-Farahani (Ryerson University, Canada), S.K. Chakrabarti (USA), S.Hernandez (University of La Coruna, Spain), S.H. Nishida (Saga University, Japan), в странах СНГ над поставленными вопросами работали авторитетные научные школы и крупные ученые МИИТа, ПГУПС, МАИ, ВНИИЖТа, ОАО «ВНИКТИ», ОАО «РЖД» и другие.

Вопросам разработки, внедрения и усовершенствования гидравлических гасителей колебаний посвящены труды И.И. Челнокова, М.М. Соколова, А.Н. Савоськина, Ю.П. Бороненко, В.И. Варавы, Б.И. Вишнякова, В.М. Гарбузова, Г.М. Левита, Н.А. Шашкова, В.Н. Романова, А.Н. Мальцева, Б.С. Завта, А.А. Дербаремдикера, И.Б. Скиндера, Anyakwo A., Bogdevicius M., Zygiene R., Bureika G., Subačius R, Chao Wang, Popp K., Schiehlen W., Rakesh Chandmal Sharma., Sebesan I., Baiasu D., Spiryagin M., А.А. Битюцкого, В.В. Болотина, Ю.П. Бороненко, В.М. Бубнова, П.С. Григорьева, В.Н. Жданова, М.Б. Кельрих, А.Д. Кочнова, А.В. Третьякова и др.

